

ҲАЛИМА ҚОРАБОЕВА

УЧАЁТГАН ҚУШЛАР

ШЕЪРЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1981**

Қорабоева Ҳалима.

Учаётган қушлар: Шеърлар. — Т.: «Ёш гвардия», 1981, — 64 б.

Карабаева Ҳалима. Перелётные птицы.

Стихи.

Уз2

Туйғулари тиниқ шоира Ҳалима Қорабоеванинг «Учаётган қушлар» тўплами бахт, эзгулик ҳақида, бу қадим ҳаётининг ёш ва суюмлилиги ҳақида тараннум этади.

Куртакларда кўз очади ҳаёт давоми
Чақалоқнинг табассуми сингари тоза.
Юксакларда учаётган қушлар хироми
Қўкларнинг мангулигин қилар овоза.—

дейди шоира кўтаринки сатрларда.

Ҳақиқат, «бир самовий» юксак муҳаббатга, инсонга бўлган инсон шоира шеърларининг асосини ташкил этади.

432
K 59

А.1
896



К 70403—13 71—81 4700000000
356(04)—81

© Издательство «Ёш гвардия», 1981 г.

ЗАРРАДАЙ ҚАЛБИМНИ НЕЧУН АСРАЙМАН

Заррадай қалбимни нечун асрайман
Буюк бир оламдан, борлиғим фидо.
Бўртган бир куртакдан ёниб сўрайман,
Яшнаб яйрашингдан айлама жудо.
Қизил ва зангори ранглар қўйнида
Нозланиб ётибди уйғоқ далалар.
Бир киприк қоққанча нигоҳ қўйида
Қуёшдан ёғилар зарҳал шуълалар.
Қушлар булоқларда ўқир қасида,
Атри хуш тонгларнинг чиройи учун.
Тебранган қамишнинг номсиз сасида
Тупроққа шукрона тинглайман бугун.
Ёрқин камалакдай ёнар япроқлар,
Минг йиллик чинорлар сукути—даҳо.
Гўё бари менга эҳтиром сақлар,
Эзгу хотирасин кўрурлар раво.
Теран дарёларни тутган қирғоқлар,
Қаршимда оқмоқда камтарин, ёввош.
Осмон устунлари—пурвиқор тоғлар,
Пастдан кўтарилган сўқмоққа туташ.
Бир зумда минг рангга киргувчи осмон,
Ўйноқи оҳудай сеҳрли, гўзал.
Юлдузлар фалакка ёзилган дoston,
Ҳар бирига ёзсанг оздир минг ғазал.
Уялиб кўз очган нозик бинафша,
Ҳуснида ниҳондир ўн саккиз олам.
Йўл олсам олисга майсалар тўшаб,
Суйиб эркалайди туйғумни кўклам.
Заррадай қалбимни нечун асрайман,
Бу—буюк оламдан.

МИННАТДОРЛИК ТУЯҒУСИ

Дунё сўзламоқда Ленин ҳақида,
Шоирлар тинмасдан ёзмоқда ҳамон.
Унинг номи билан улугвор замон,
Дунё сўзламоқда Ленин ҳақида—
«Буюклардан кўра буюкроқ инсон!»

Мен қалам олибман қўлимга бугун,
Ўйлар сели мени айламоқда фарқ.
Ўзгалар шеърдан қилармикан фарқ,
Мен қалам олибман қўлимга бугун,
Юз ўн йил бахтиёр айланмоқда чарх.

Ленинни айтмаган кимса қолмади,
Ўдақдан энг кекса одамгача то —
Шаънига юракдан айлайди дуо.
Ленинни айтмаган кимса қолмади,
Ҳамиша доҳийга яхшилар шайдо.

Ёзаман кўнглимда эзгуликлар мўл,
Минг бир фазилатин ёдга оламан.
Буюклигин аста кўйга соламан,
Бари бир, бари бир бўлмайди мақбул,
Нима демоқ керак! Ўйга толаман.

Нима демоқ керак яна ва яна!
Чунки у боқийдир абадий тимсол.
Қалби ёниб турар бўлиб чўнг иқбол,
Минг йиллардан кўпроқ ўсар бу сана
У яшайверади ёш ва баркамол.

У яшайверади келажак билан,
Олдга чорлайверар инсониятни.
Тиндирмоқ мумкинми абадиятни,
У юлдузли осмон, у кўркем чаман.
Файзиёб айлади жумҳуриятни.

Шуълалар ичида бир нур эди у,
Мангу порлаб қолди олам тоқида.
Миннатдор туйғулар иштиёқида,
Ҳаяжон ичра мен қиламан орзу
Яшнаб бораётган баҳор чоғида.

Биз доҳий ўйлаган келгуси авлод,
Замон у айтгандай эврилгани чин.
Ўзи ҳадя этган замондан мамнун,
Унинг пок номини айлағаймиз ёд,
Унинг ҳаётига бўламиз мафтун.

Келгуси авлодлар ҳаёти чексиз,
Доҳий орзуларин қиламиз бунёд.
Ёмонлар ҳаёти бўлгуси барбод,
Орқага қайтмағай йўлимиз ҳаргиз,
Бахт сари интилиб яшар одамзод.

ҚАЛДИРҒОЧ

Қанотлари қора бахмал қалдирғоч,
Кўзи ёқут каби ял-ял қалдирғоч.
Деразамни очиб қўйдим мен сенга,
Кира қолгин қилмай маҳтал қалдирғоч.

Сендан ўзга бахтлироқ ҳам бормикин,
Парвозидан кўнгли чоғ ҳам бормикин.
Кўринасан фариштадай беғубор,
Мен! кўрмаган бирон доғ ҳам бормикин.

Сен кўкламнинг элчисан, баҳорсан,
Томчи каби беғуборсан, наҳорсан.
Жажжигина вужудингда зўр куч бор,
Кўзи ўткир, диди нозик меъморсан.

Ҳаволарга қилич солар қанотинг,
Олис-олис учсанг етар саботинг.
Қисқами ё узунмикин, билмадим,
Менга доим ибратлидир ҳаётинг.

Қанотлари қора бахмал қалдирғоч,
Кўзи ёқут каби ял-ял қалдирғоч.

Отхонада пишқирар тулпор,
Пишқиради асов, исёнкор.
Тўрт деворни қулатгудай дов,
Кўзларида ёнади олов.

Олис йўлнинг ҳидин сезар у,
Шамол дарёсида сузар у.
Бардошини йўқотган тамом,
Тўлиб борар сабр тўла жом.

Чавандозни кутар бесабр,
Усиз кета олмайди ахир.
Қўрқоқ бўлса чавондоз агар,
Учар отнинг обрўйин тўкар.

...Бахтсизлик йўқ бундан зиёда.

ОҚШОМДАГИ ҲИЛАЛ

Сўниб борар уфқларда лоларанг шафақ,
Сўнги нурлар ярқирайди қуш қанотида.
Само очар китобидан янги бир варақ,
Олтин гуллар пайдо олам коинотида.
«Севар бўлсанг юрагингни буткул бағишла»
Шу сўзларни уқар менинг содда тушунчам.
Юзларимни силар қанча меҳрибон шуъла,
Гўё менга илҳақ яшар бу катта олам.
Тун шамоли қувонч кутган қўнғимни ёзар,
Учаётган қуш сингари енгилдир руҳим.
Қора туннинг оқ нурлари ер шарин безар,
Шу нурларда битилмаган туйғу, шуқуҳим.
Ёруғ куннинг овозлари тинмоқда тунда.
Кенгликларни қўлга олиб югурар шамол.
Юлдузлардан учаётган ҳар бир учқунда,
Сўлим кеча очаётир ўзга бир жамол.
Бир лаҳзада яралгучи дунёча маъно,
Шодлигиндан юрагингга сиғмас ҳаяжон.
Узун кунлар бир лаҳзалик туюлмас гоҳо,
Дарёларда сув доимо оқмайди равон.
Ҳар баҳорда она Ерни қоплайди гуллар,
Ҳар баҳорда яшаради бу сариқ тупроқ.
Чўққиларга тўшалади ёш, янги йўллар,
Булутларнинг қучоғида яралар чақмоқ.
Қуртакларда кўз очади ҳаёт давоми,
Чақалоқнинг табассуми сингари тоза.
Юксакларда учаётган қушлар хироми,
Баҳорларнинг мангулигин қилар овоза.
Киприкларим юлдузларнинг шуъласига фарқ,
Гўё оқар кўк наҳрида нилуфар гуллар.
Сўниб кетди уфқларда лоларанг шафақ,
Тонгда яна чорлагувси, ёш, янги йўллар...

УРИНАМАН...

Ёлғиз менинг шодлигим — тезда ўчиб кетар хат
Менинг хушбахт бўлмоғим, сенинг бахтинга боғлиқ,
Сени маҳзун кўрмоққа менда бормидир тоқат,
Сени маҳзун кўрган кун менинг қалбимда доғлик —
Йўқ, ёлғизлик инсонга бахт бермаган ҳеч қачон,
Ҳаққинг йўқдир, ҳаққинг йўқ мени танҳо қўймоққа
Сени бахтли қилмоққа уринаман беомон.
Уринаман беадад Севғи билан суймоққа...

СОЯДАГИ НИҲОЛ

Омон-омон яшар дарахт соясида ул,
Атрофда хуш оҳанглару қўшиқчи булбул.

Томирини ялаб оқар шиддатли анҳор,
Сояда ул кун тифидан бўлмайди беҳол.

Катта дарахт кўкрагини тутар бўронга,
Ниҳол лоқайд соя ичра боқар осмонга.

Қаттиқ шамол, қасирғадан қўрқмайди, ҳатто,
Не ғам унга — қўрқмайди зир титраса дунё.

Ҳар балога балогардон улкан дарахт бор,
Баъзилардай ёлғизликдан қақшамас зор-зор.

Уринмас ҳам, суринмас ҳам — ёрқин тақдири,
Истеҳзоли боқиб, ишлар вақт кафтгири.

Йиллар ўтди, ўсди ниҳол нимжон ва ориқ,
Офтоб тегмай ўсган тани рангсиз ва сариқ.

Ундан чайир, кучли шохлар униб ўсмади,
Бор бўйича баланд-баланд бўйлар чўзмади.

Улкан дарахт қариб сочи оқарди оппоқ,
Ўз умрини ўзи қурган, қўллари қадоқ.

Аммо унинг юрагида бир армон яшар,
Бағридаги ниҳол унга аламлар қўшар.

Нега бунча суқилдийкин унинг пинжига,
Қариб борган сари раҳна тушар тинчига.

Бир кун келиб тўлиб қолса умр-паймона,
Яккаликка чидармикин ниҳол-парвона.

Катта дарахт кўкрагига бош қўйиб ётди,
Туғилди-ю, шу ёшгача қанду бол тотди.

Мана, охир пайти келиб кулар бўлди тоғ,
Неки бордир бир кун! келиб бўлгуси адоғ.

Якка-ёлғиз ташлаб кетди ниҳолни, дарахт,
Ниҳол эса таажжубда ҳайрону карахт.

«Нега, нега, умр бунча ожиз ўткинчи».
Бечоранинг бир умрга йўқолди тинчи.

Шомда турган бўрон саҳар, тонг чоғи тинди,
Унинг қанча булоқлари мўртликдан синди.

Ўчакишган анҳорда ҳам сув оқмай қолди
Ҳимоясиз қолган ниҳол эгилди, толди!

Бунчалар ҳам шафқатсизсан аччиқ ҳақиқат,
Ёш жонига бир озгина шафқат қил, шафқат.

Ҳақиқат нур, бўрон бўлиб, эпкинлар бўлиб,
Дунё ичра яшар эди курашиб, тўлиб!

Хув кенгликда... соябонсиз ёш ниҳол тикка
Ўсаётир шохлар ёйиб мовий кенгликка.

ФАҚАТ ИНСОН БЎЛСАК БАС

Шалодадай отилару тиниб борар ҳисларим,
Шуълалардан ёлқин олиб ёниб борар ҳисларим.
Кўзларимнинг сарчашмаси лолаларга берар ранг,
Қатралардан таралади оромли бир шўх жаранг.
Қатраларнинг жарангида баҳорий бир севинч бор,
О, шу севинч бир умрга ҳаётимга бўлса ёр.
Шу севинчлар дардида мен ором билмай яшайман,
Кунларимдан бол терувчи бол арига ўхшайман.
Лаҳзаларки ўтиб борар гўё яшин ёлқини,
Лоқайд ўйлар гирдобиди ажратмаймиз фарқини.
Лаҳзаларга умр бериш, жон яратиш керак-ку,
Кўксимизда тош қотмаган ҳис, туйғули юрак-ку.
Қалбимизни бурчидадир бу лаҳзалар, замонлар
Шу замонлар тўлқинида сузиб борар инсонлар.
Инсонликка ярашиқдир буюк ишлар ҳар қачон
Ёғдуларин соча-соча буюклашар осмон.
Кўнглимизда не-не гўзал эзгуликлар жамул-жам,
Умр бўйи сарф айласанг бу оламга эрур кам.
Олам эса мангу-мангу саховатин аямас,
Эвазига биздан эса ниманидир сўрамас.
Шу тантилик, фидоликка фидо бўлмоқ керакдир,
Гўзалликка чорлагувчи наво бўлмоқ керакдир.
Қаршимизда буюк олам—буюк дарё оқадир,
Кечамизни ёлқинлатиб сўнмас зиё оқадир.
Буюк дарё ташналикни қондиради, ҳар нафас,
Эвазига эса биздан ниманидир сўрамас
Фақат инсон бўлсак бас...

Сен сабримнинг косасида шароб тутдинг
ичарман,

Бардош билан гуноҳингдан битта-битта
кечарман.

Фариштадек бегуноҳлик одамзодга
хос эмас,

Бу ҳаётнинг мантиқини аста-аста
ечарман.

Гоҳи-гоҳи ўйларингда осмон қадар
кенглик бор.

Фикрларинг мазмунида тоғлар қадар
чўнглик бор.

Орзуларинг поклигига келар менинг
ҳавасим,

Тиниқликда худди биллур, томчиларга
тенглик бор.

Гоҳи-гоҳи ажабтовур қил айланмас
кўнглингдан,

Юрагимга ларза тушар дағаллигу,
тўнгликдан.

Аммо меҳнат шиорингдир ҳавасланар
одамлар,

Қалбинг тоза турса дейман ҳар хил гарду
чангликдан.

Менинъ умрим сен-ла ўтар шундай шавқли ва мушкул,
Шиддат билан ўтар ҳаёт ҳам очилиб у гул-гул.

Бахтим кемтик эмас асло шу кунларга
розиман,

Бўлдиммикин мен ҳам сенга энг керакли
ва маъқул.

СУБҲИДАМ

Дарахтлар сўзлашиб мени уйғотдилар,
Бунча гўзал тонг бу, осмон—кўзгу.
Мудроқ, туйғуларни ширин қўзғотдилар,
Қушчалар қўшиғи майин ва эзгу.
Иқболи баланд қуш баландроқ учар,
Митти жон! бағрида шунчалар қудрат.
Сарин ел дарахтдан дарахтга кўчар,
Субҳидам ўзгача, ўзга малоҳат.
Ё мен ўзгардимми, ё ўзга тонг бу,
Нур каби ёйилар шохларга қўшиқ.
Анхор шарқираши — беғубор кулгу.
Ёр ҳиснига майса бирам ярашиқ.
Бахтиёр инсонга бахтиёр даврон,
Одамлар ошиқар ёруғ кундузга.
Одамлар ўзгарди, ўзгарди замон,
Ҳар нарса гўзалроқ кўринар кўзга.
Дилимни қамради ширин ҳаяжон,
Ҳаволар шириндир, кўркли бу тонглар.
Кенгайиб боргандай туюлар осмон,
Улғайиб қолгандай туйғулар, онглар.
Осмонимиз кенгдир, хушбўй ҳаволар,
Дарёлар терандир қирғоқлар маҳкам.
Дилларда янграйди савту садолар,
Оғриқ кўнгилларга қўшиқлар малҳам.
Эзгулик уруғин сепар яхшилар,
Ёлқин ўйларимиз тонглар ҳадяси.
Ирмоқлар дарёга келиб қўшилар,
Чорлайди чўққилар зинапоysi.
Дарахтлар сўзлашиб мени уйғотдилар,
Бунча гўзал тонг, бу, осмон — кўзгу.
Мудроқ туйғуларни ширин қўзғотдилар,
Қушчалар қўшиғи майин ва эзгу.

ОДАМ НИГОҲИ

Дайдиган булутлар тиндилар,
Шамоллар тиндилар шохларда.
Одамлар уйқуга ётдилар,
Тароват сезилмас боғларда.
Тунд терак учлари фалакда,
Жилғалар чуғури жим бўлди.
Туйғулар тиндилар юракда,
Шарпадай ўтган у ким бўлди.
Чиройин йўқотди табиат,
Сезилмас баргларнинг шитири.
Йўқолди осмоний малоҳат,
Сезилмас сабонинг ғир-ғири.
Одамлар уйқуга ётдилар,
Бўстонлар ҳуснини йўқотди.
Юлдузлар кўлларга ботдилар,
Кўлларда йилтираб тош қотди.
Фалакда ой кезар бир тилим
Қай бедор юракда у ёнғай?
Ғунчангни тонгда оч, ол гулим,
Тонг билан одамлар уйғонгай.

БИР ТАНИШГА ДЕГАНИМ

Мен сизни танимай қолдим шу тобда,
Биринчи таассурот қолди азобда,
Наҳот сиз юарсиз шундай ниқобда.

Кечаги самимий пок сўзлар қани,
Ҳамдард боқиб турган шод кўзлар қани,
Қуёшдай қизарган гул юзлар қани?!

У сўзлар ўрнига қуруқ бир салом,
Уч-тўрт оғизгина ғалати калом,
Юришлар ҳам қизиқ, ўзгача хиром.

У кўзлар ўрнига айёрона боқиш,
Саволларга эса жим елка қоқиш,
Сўзлашиб туришга йўқ каби хоҳиш.

Ўтган вақт ичида ранжитдимми ё,
Ҳаддан ортиқ эътибор кутдимми ё,
Очиқ чехрангизни унутдимми ё.

Бирдан ўзгарибсиз, ҳайронман ҳайрон.
Меҳрга интизор юрагим вайрон,
Самимий суҳбатга талпинмоқда жон.

Чиройли куласиз юракдан, дейман,
Кулгулар энг тоза тилакдан, дейман,
Ҳамиша нур ёғар фалакдан, дейман.

Дейману ўртада шубҳа тоғи бор,
Дилда ўзгарувчан ҳолат доғи бор,
Боғнинг булбули ҳам қарға, зоғи бор.

Шундай ўйлар мени қилар саргардон,
Ҳамиша ишониб яшаса инсон,
Шубҳали дамларда кўнгил ҳам зиндон.

Эҳтимол мен жиндек адашгандирман,
Биргина мен дилдан сўрашгандирман,
Дўстоналик учун курашгандирман.

Нетай, инсон учун шу керак асли,
Алмашиб бормоқда умрлар фасли,
Бахтиёр яшасин одамзод насли.

Мен сизни танимай қолдим шу тобда,
Биринчи таассурот қолди азобда,
Наҳот сиз юарсиз шундай ниқобда.

На дўстсиз бировга ва на-да рақиб,
Оқмасдан сув узра турарсиз қалқиб,
Гоҳи-гоҳи олтиндай кетасиз балқиб.


Шунда мен адашиб дўст, деб ўйлайман,
Дўст билан эй, кўнглим, ўс, деб ўйлайман,
Дўст олдида қарзинг уз, деб ўйлайман.

Сиз қўрқиб ўзингиз ташлайсиз ортга,
Дўст деб тушолмайсиз сувга ё ўтга
Балки бепарвосиз ҳаттоки юртга.

Бир сизгина эмас сиздаинлар бор,
Шулардан зарб ейди кўксимдаги тор
Ва лек эзулик топгайдир қарор.

Шундай, мен ҳамиша қиламан орзу,
Ерда жарангласин энг соғлом кулгу,
Одамзод ҳеч қачон билмасин қайғу.

Мен сизни танимай қолдим шу тобда...



ЙЎЛЛАРДА

Йўллар машаққатини ўтаётиман энгиб,
Масофалар танобин тортиб борар нигоҳлар.
Бир самовий тоза ишқ кўзимга кетмиш сингиб,
Ярқираб ёнаётир олисдаги чироқлар.
Қанча уринмасинлар оёқ остида тошлар,
Қоқилиб ҳам, йиқилиб, тўғри йўл топиб олдим.
Ҳайриятки юрмоққа етиб берди бардошлар,
Қанча нотекис йўллар энди орқамда қолди.
Ҳайр, эй, бемаҳалда униб чиққан чирмовлар,
Бемаҳал илашдингиз чалғитмоққа уриниб.
Ирода, идрокимни қилиб қанча синовлар,
Охир мақсадларингиз аён бўлди кўриниб.
Тонглар отди қочмоққа уриндингиз беҳуда
Сирли қолмоғингизга сира бўлмади имкон.
Агар қилганингизда бирор нарсани удда,
Чақиб ташлармидингиз мисоли қора илон.
Ҳақиқатга қул бўлиб энгиб бораётирман,
Менинг борар манзилим жуда олис ва сирли.
Ҳаёуз йўлларда гоҳо азоб кўраётирман,
Бу оппоқ йўллар учун азоб тортса арзирли.
Сермашаққат бир ишга қўл урганман бир умр,
Ҳовучлаб кетмоқдаман қалбимни асраш учун.
Ногоҳ қўлимдан тушиб, бўлиб қолмасин деб кир,
Қалбимга аталгандир машаққатларим бутун.
Бошқача умр сурмак менинг қўлимдан келмас,
Елкамда юким билан яшамоққа ўргандим.
Одам бўлиб қолишни қилурман доим ҳавас,
Шунинг учун энг олис йўллар сарин юзландим.

КУТАМАН

Янада бахтиёр онлар келар деб,
Жонга-жон бўлгувчи жонлар келар деб,
Ёмонлар огзига қонлар келар деб,
Кутаман.

Кутаман лаҳзалар йил қадар узун,
Ҳаётнинг мукаммал бўлмоғи учун,
Кабоблар айлайман бағримни бутун,
Кутаман.

Айтишим мумкинки ҳаёт кўп гўзал,
Гуллар-ку, очилиб бўлмаган тугал,
Тиканлар баъзида учрайди дағал,
Кутаман.

Бир марта яшамоқ мунча сермеҳнат,
Меҳнатсиз ким агар бўлса бадавлат,
Йўқлик қадар бўлиб кетгуси албат,
Кутаман.

Ёмонлик тиламам бировга асло,
Аммо олма ичра бўлса қурт пайдо,
Ўзини кемириб бўлар деб адо,
Кутаман.



КОММУНИСТНИНГ ЮРАГИ

Қулочим жаҳонни қучиб бормоқда,
Ғовларни парчалаб янграр овозим.
Осмонни ҳайратга солди парвозим,
Шуълалар туманни парчаламоқда,
Қулочим жаҳонни қучиб бормоқда.

Мен улкан дарахтман, илдизларим мўл,
Шохларим ўсгандир фалакка қадар.
Бағримда қудратли бўронлар яшар,
Кесилгувси эгри узатилган қўл,
Мен улкан дарахтман, илдизларим мўл.

Тарихим узундир ер ёши қадар,
Ҳаёт билан бирга мен бўлдим пайдо.
Ҳақ йўлида жонни айладим фидо,
Қўмилдим зиндонга, кездим дарбадар,
Тарихим узундир ер ёши қадар.

Хўрликлар қасосга айланди дилда,
Не-не азобларга тақдир қилди дуч.
Томиримда оқди бир исёнкор куч,
Данкодай қалбимни кўтардим қўлда,
Хўрликлар қасосга айланди дилда.

Мозийнинг исёнкор овози эрдим,
Пушкинлар шеърида яшарди қалбим.
Кундага бош қўйган осий мунажжим —
Қалбимда борини оламга бердим,
Мозийнинг исёнкор овози эрдим.

Шу овоз зилзила солди дунёга,
Ол байроқ қўлимда ташладим қадам.
Қўзғалди эрк сари интилган одам,
Умидвор бўлганлар қатра зиёга,
Шу овоз зилзила солди дунёга.

Бахт учун курашлар яратди мени,
Мен бугун ғолибман дунёда яккаш.
Хали битгани йўқ пинҳона кураш,
Ҳушёр кузатаман океан ортини,
Бахт учун курашлар яратди мени.

Курашдим юртнинг ҳар зарраси учун,
Вақт синовидан ўтолдим омон.
Мен ўзим яратдим янги бир замон
Гулханга айланди мен ёққан учқун
Курашдим юртнинг ҳар зарраси учун,

Чарх уриб учмоқда оппоқ кабутар,
Қитъалар кўкида эркин ва қўрқмас.
Қаноти пўлатдан, ёвуз, ўқ ўтмас,
Ишонч билан мамнун ташлайман назар,
Чарх уриб учмоқда оппоқ кабутар,

Зиммамда масъуллик ортар кун сайин,
Абадийлик сирий ўйлайман ҳар чоғ.
Ҳар кун мазмунини мухтасар этмоқ,
Нақадар шарафли, нақадар қийин,
Зиммамда масъуллик ортар кун сайин.

Одамлар қалбини бойитмоқ ишим,
Гўдаклар ҳаётин ўйлайман ҳар он.
Юрт учун керакдир мукамал инсон,
Ҳамманинг ташвиши менинг ташвишим,
Одамлар қалбини бойитмоқ ишим.

Ватаннинг ҳар қатра тупроғига жо,
Эрк учун жон фидо қилганлар қони.
Шу қонлар ўзгартди бутун жаҳонни,
Сўнган умрлардан чаманлар пайдо,
Ватаннинг ҳар қатра тупроғига жо.

Қурбонлар руҳига бағишлайман жон,
Чаманлар яратиб, боғлар яратиб,
Пахтадан кўкўпар тоғлар яратиб,
Элимнинг иқболи менга жонажон,
Қурбонлар руҳига бағишлайман жон.

Қулочим жаҳонни қучиб бормоқда,
Ғовларни парчалаб янграб овозим.
Осмонни ҳайратга солди парвозим,
Шуълалар тумани парчаламоқда,
Қулочим жаҳонни қучиб бормоқда.

БИР ЛАҲЗА УНУТСАМ

Бир лаҳза унутсам
Баҳри дил оламни,
Йўлларни, куйларни,
Фидойи одамни,
Энг теран ўйларни,
Номашхур лирамни,
Бир лаҳза унутсам
Қалбим бўм-бўш қолар,
Умримнинг маъноси йўқолар.
Завқим ва сурурим
Шуларда эмасми?
Ақлим ва шуурим
Шуларда эмасми?
Умримдан ғурурим
Шуларда эмасми?
Бир лаҳза унутсам
Қалбим бўм-бўш қолар,
Умримнинг маъноси йўқолар.
Оламни севмасам,
Ҳаёт бир афсона.
Одамни севмасам,
Бу олам бегона.
Нур сари югурсам
Мисли бир парвона.
Тупроғим ҳам онам,
Ҳам жон, ҳам жонона.
Бир лаҳза унутсам
Қалбим бўм-бўш қолар,
Умримнинг маъноси йўқолар.
Мана шу муҳаббат
Яшашга чорлаган,
Ҳаётга садоқат
Кўнглимни боғлаган,
Тинмоққа қўймаган.

Интилиш, жасорат
Шуларсиз умримда
На ором, на роҳат,
Бир лаҳза унутсам
Қалбим бўм-бўш қолар,
Умримнинг маъноси йўқолар.

УЧАЁТГАН ҚУШЛАР

Қўшиқларим, бийрон қушларим,
Юксакларга илдамроқ учинг.
Ҳамроз бўлиб дилларни қучинг,
Бир онадай хайр-хўшладим.
Қўшиқларим, бийрон қушларим,
Сиз ҳаётим, умрим мазмуни
Шодман сизни кузатиш билан,
Қизиқмайман ўзга иш билан,
Ардоқлайман оташ туйғуни,
Сиз ҳаётим, умрим мазмуни.
Қўшиқ севмас дилни севмадим,
Айлантирдим қалбимни тошга.
Меҳр қўйдим ишонч, бардошга,
Ёлғон табассумлар қилмадим,
Қўшиқ севмас дилни севмадим.
Бу дунёнинг поёни йўқдир,
Булбуллари кўпдир чаманнинг.
Даҳолари кўпдир замоннинг
Қўшиқларим, яратинг тақдир,
Бу дунёнинг поёни йўқдир.
Учаётган қушлар бирам шод
Бош устидан учиб ўтдилар.
Ҳисларимни қилиб эҳтиёт
Учаётган қушлар бирам шод.
Қўшиқларим, бийрон қушларим,
Қанотингиз қотмаган ҳали,
Келди парвоз этмоқлик гали,
Юрагимдан сизни ишладим,
Қўшиқларим, бийрон қушларим,

Тушунармиш қуш тилини қуш,
 Япроқларнинг шивирин япроқ.
 Оҳу дилин оҳу билармиш,
 Одам дилин одамлар, бироқ —
 Камлик қилар менга бу ҳисса,
 Мен тинглайман қушлар чах-чаҳин.
 Япроқчалар айтганда қисса
 Шодликларим ортади тағин.
 Камлик қилар соз пардаларда,
 Ўрмалаган бармоқлар куйи.
 Жаҳондаги бор товушларда
 Яширингандир ҳаётий ўйим.
 Онгим лаҳзаларда юксалар
 Тўлқинларнинг гувлашин тинглаб.
 Кўкдан ёққан сассиз шуълалар
 Илдизларга қўйганида лаб.
 Камлик қилар камолим тилаб,
 Катта қилган онам алласи.
 Мен вояга етганман тинглаб,
 Қўшиқларнинг ҳамма-ҳаммасин.

ТИТРОҚ ТУШДИ ДИЛИМГА

Титроқ тушди дилимга, ўйларим остин-устун,
Ҳаёт тарзи бир зумда ўзгариб кетди бутун.
Теран дарё қаршингга шошиб келдим не излаб,
Жўшқин сув қирғоғингга эҳтирослар қўяр лаб.
Тўлқинларинг сатҳида шамол оқар тин олмай,
Шамоллар оқаётир неларгадир етолмай.
Қалбимга ҳаяжонлар шамолдай оқиб кирди,
Туйғуларни уйғотиб, ўтларга ёқиб кирди.
Титроқ тушди дилимга, ўйларим остин-устун,
Ҳаёт тарзи бир зумда ўзгариб кетди бутун.
Мен олам жамолига асиру шайдо яна,
Бир томчи гўзалликка минг ўргилиб айлана.
Теран дарё қаршингда қўшиқларим бошлайман,
Тўмтоқ қалам учини нур билан тарашлайман.
Илк бор япроқ тўкмоқда қирғоғингда ёш чинор,
Унинг бағрида яшар эҳтимолки минг баҳор.
Илк қўшиқлар умри ҳам узун бўлса ажабмас,
Катта гулхан бағридан учқун бўлса ажабмас.

УМРИМ КАРВОНИ

Оқшомда уфқлар бўлмоқда қизил,
Юлдузлар тўлмоқда тунда фалакка.
Олис манзилларга чорлаётир йўл,
Орзулар тўлмоқда севган юракка.
Олам ҳар лаҳзада топмоқда сайқал,
Эзгулик дилларга бермоқда ором.
Ҳақиқат қуёши йўлларда машъал,
Дўстлик туйғулари қўзғатар илҳом.
Эзгу ҳаяжонлар бермайди тинчлик,
Оламча қувончлар қалбга бўлар жо.
Бир умрдан гоҳо бир лаҳза кучли,
Шу буюк лаҳзадан бир умр пайдо.
Кул босган чўғ мисол ёнган чироқдан,
Оламни ёритган чақмоқни севдим.
Кўкдан ёмғир кутиб ётган булоқдан
Дарёга интилган ирмоқни севдим.
Қаҳрамон бўлмоқда меҳнатда одам,
Оналар бардошдан бермоқда сабоқ.
Қачондир яралган шу кўҳна олам,
Бетин ҳаракатдан билмайди чарчоқ.
Мен ҳам шу забардаст тинмас уммонда,
Бир умр оромсиз яшаш истайман.
Шундан ўзга ҳаёт йўқдир жаҳонда,
Умрим карвонини олға қистайман.

ЧИНОР ВА НИҲОЛ

Улкан чинор
Ўсар пойдор,
Гўзаллик унда.
Ниҳол эса
Кўз узмасдан,
Боқади кунда.
Тезроқ ўсиб
Бўлай, дейди
Кўзга яқинроқ.
Унга чинор
Боқар такрор,
Ёшликка чанқоқ.
Ниҳол дейди,
Камол топиб,
Бўлайин баланд.
Чинор ниҳол
Бахтин ўйлаб
Кеча-кундуз банд.

ЯНГИ ЙИЛ ҚОШИДАГИ ЎЙЛАР

Умрим шодасидан бир дона ўтди,
Янги остонада турибман яна.
Ўтган йил шовуллаб оқди-да кетди,
Мен янги йўлларга бўлгум равона.
Соғинч ҳисси билан кутдим бу кунни,
Васлига ошуфта турибман бу чоғ.
Мен қўшиқ шайдоси қўшиқ мафтун,
Янги йил қошимда чалар қўнгироқ.
Наҳот шунча енгил ўйлар ҳамроҳим,
Кечаги кунимни бирдан унутсам?!
О, йўқ, ўтган дамлар суянган тоғим,
Хотиралар билан тирикдир одам.
Кечаги кунимдан қарзим бор менинг,
Истиқболи учун, иқболи учун.
Ортда эслатувчи изим бор менинг,
Кўнглимда ғурурим тошмоқда бугун.
Йиллар чорламоқда аммо ортимга,
Қарамоқ истайман, миннатдор, мамнун.
Ризқи ҳам, иқболи улуғ юртимга,
Яна улуғворлик насиб этар бугун.
Ғайрат, шижоати азим халқ билан,
Бир осмон остида олмоқлик нафас.
Ҳар инсон умрига чексиз бахт экан,
Янги йил шунингчун этмоқда сармаст.
Эртанги дамларга шошаман бироқ,
Шодликлар бағрида қарздорлигим бор.
Хайрли ишларни унутдик гоҳ-гоҳ
Билиб-билмай бердик кимгадир озор.
Юксакроқ чиқмадик имконимиздан,
Баландроқ учмадик ўшал юксакка.
Қочиб юрдик гоҳо виждонимиздан,
Гоҳо ишонмадик туйғун юракка.
Кўп эди ташвишлар, ишлар шу қадар,
Гўё вақт йўқ эди «ишчан» эдик биз.

Кимнидир қалбига чўкканда кадар,
Кўнгил кўтаришни гоҳ унутдик биз.
Кураш чақирганда эшикни қоқиб,
Гоҳ жон ҳаловатин ўйладик ҳам биз.
Бу мавзу турганда ўзгаси ёқиб,
Гоҳида маъносиз куйладик ҳам биз.
Бир жонсиз сўз билан ёниқ юракдан,
Ғолиб чиққандирмиз, дўстим, эҳтимол,
Эҳсон ҳам кутганмиз бўшлиқ, фалакдан
Кутганмиз курашсиз афсона, иқбол.
Устоз сарҳисобин ноқобил шогирд,
Бориб тинглолмаган бўлса ажабмас.
Аммо ўзгаларга бериб панд, ўғит,
Эзгулик бобидан бергандир у дарс.
Эҳ-ҳе, айтаверсак қарздорлик кўп,
Ўйласанг игнадай ботар, оғритар.
Ана остонада янги йил кулиб,
Не-не эзгуликдан умидвор этар.
Из тушмаган йўллар чақирар бизни,
Чала ишларимиз битар бу йилда.
Юксак чўққиларга тикиб биз кўзни,
Мақсад аҳдимизни тугайлик дилга.
Инсон-ку, ҳар недан юқори, баланд
Юксалсин яна ҳам дўстлар руҳимиз.
Оҳу. саодатга ташлайлик каманд,
Ўзгага бахт бўлсин дил, шукуҳимиз.
Ширин бир ҳаяжон, ширин бир ташвиш,
Кўнгил уммонига солмоқда тўлқин.
Янги йил шаънига шараф ва олқиш,
Келажаги бўлсин яна ҳам ёрқин.

Мен ўлимга бўлибман маҳкум,
Қуриётган танамдан маълум.
Томиримдан чиққан новдалар,
Ҳар кун тинмай кўкка юксалар.
Мен улардай бўлганман ниҳол,
Яшарарди мен билан баҳор.
Илдизларим жуда ҳам чуқур,
Қувватлиг-у ҳам ғадир-будир.
Аммо, мен-чи, аста сарғайиб,
Куч-қудратим бўлмоқда ғойиб.
Кўролмайман осмонни тиниқ,
Баланд тоғлар энди ноаниқ.
Ёнгинамда дарё бор эди,
Кимдир соям учун зор эди.
Гурас-гурас келарди қушлар,
Қичқирарди кўнглини хушлаб.
Даҳшат солиб еларди бўрон,
Мен қўшилиб солардим сурон.
Бургутларнинг паноҳи эдим,
Не ишларнинг гувоҳи эдим.
Мен ўзимни ўрмонда танҳо,
Юксакликка қўярдим гоҳо.
Мағрур эдим, қилмасдан писанд,
Довуллардан келардим баланд.
Фахр этарди ўрмончи ота,
Энди эса қўлида болта.
Рўпарамда турар чамалаб,
Йиқитишни чўзар атайлаб.
Майли, майли, тезроқ йиқа қол,
Шохларимни кесгил, бўла қол.
Истамайман эрмак бўлишни,
Ёқтираман мағрур ўлишни.
Шохларимни эҳтиёт айла,

Ўрмонда қур ўзингга чайла.
Вужудимни қилмагил кукун,
Гулханингга бўлмайин ўтин.
Мен гувоҳман умрингга ахир,
Суягимга сингиб кетгандир.
Бу ҳаётнинг пасту баланди,
О, сен бобо, танти бўл, танти.
Мендан шундай асбоб ясагил,
Қўллариңгдан қўймай яшагил.
Танбур яса, майли тор яса,
Қўл теккизиб қўйсанг мен эса,
Шундай куйлар ижод этайин,
Армонларим озод этайин.

Бўрон каби гувлаб берайин,
Тонг елидай аста елайин.
Фақат мени ўрмондан олис,
Ирғитмагил кетмайин беиз.
Илдизимдан чиққан новдалар,
Катта ўрмон бўлиб юксалар.
Армонимнинг ушалгани шу.
Қурияпман, чекмайман қайғу.

Учмоқдаман,
Юлдузларга етай-етай деб,
Учмоқдаман,
Уфқлардан ўтай-ўтай деб.
Нур арқони қўлларимда тинмай силкинар,
Шабадамдан иссиқ тупроқ пастда елпинар.
Мен учаман самоларга солганча сурон,
Кўк денгиздай чайқалади беғубор осмон.
Нур арқони кафтларимъи қияр, толаман,
Оёғимни ерга қўйиб ҳордиқ оламан.
Қуёш кўкда думалайди тунда ип мисол,
Ипларини эшиб яна узатар дарҳол.
Ҳалинчакдай яна мени силкита бошлар,
Ер соғинчи яна мени ўксита бошлар.
Севаману ерни дилим, дармоним билан,
Хайрлашгим келмас сира осмоним билан!
Мен чарх урган фалакларда учгил, қадрдон
Эзгу туйғу йўқолмайди беному нишон.
Сен ўйлама, машғулотим шунчаки эрмак,
Парвоз этиш ҳаётингни гаровга бермак.
Пасту баланд тоғлар бунда кўринар яққол,
Ирмоқ дарё бўла борар жарангли, хушҳол.
Оналарнинг алласи ҳам аста ёйилиб,
Юрагингга меҳр бўлиб келар қуйилиб.
Қанча баланд учсанг, дунё шунча улғаяр,
Кўз олдингда бор мулкини кўрсатиб ёяр.
Учмоқдаман, сен ҳам учгил, мен-ла қадрдон,
Юксакликда нени кўрсанг, барига ишон.
Учмоқдаман, юлдузларга етай-етай деб,
Сояси йўқ ёғдуларни қўлда тутай деб.

ТҮРТЛИК

Сокин кўллар алдаб мени ўзингизга оқиздингиз,
Эсиз, эсиз излаганим, ўйлаганим эди денгиз.
Сокингина бағрингизда ўтар умрим қилиб хитоб,
Оҳ, ирмоқлар кўлларни сиз денгиз дея адашмангиз.

ҲАЁЛИМ

Қаёқларда эдинг оташ хаёлим,
Юлдуздан-юлдузга кўчдингми сарсон.
Сенсиз ҳувиллайди ўтли ҳаётим,
Ер бағрига тушгил энди соғ-омон.

Ернинг ўзида ҳам олам-жаҳон иш,
Етиб ортиб қолар сен билан бизга.
Юлдузларни ўйлаб чекдинг кўп ташвиш,
Қайтгил энди инсон қолдирган изга.

Инсон қалб шуурин тадқиқ айламоқ,
Кўкка учишдан ҳам қийинроқ, дўстим.
Асли инсонларни керак куйламоқ,
Шу йўлдан борурман етганча дастим.

Ҳаёт тўлқинида боқсам уларга,
Бириси мард бўлса, қай бири номард.
Дуч келганим сайин соф юракларга,
Инсон бўлганимдан мағрурман беҳад.

Ҳаёт гуркираган бир дарахт мисол,
Ҳар лаҳза ўсмоқда мен ҳам бир япроқ.
Ҳаётнинг бағрини тарк этма хаёл,
Бахт қидириб бахтдан кетмагил узоқ.

ДАРВОЗАЛАР

Битта кўча, юзлаб дарвозалар,
Олиб кирар бахтли хонадонларга.
Дуч қилади ажиб инсонларга,
Битта кўча, юзлаб дарвозалар.
Улар юрагини билгим келади,
Қандай ўйлар билан банддир хаёли.
Ҳасратлари йўқми, борми камоли,
Улар юрагини билгим келади.
Уларнинг ҳар бири сир тўла олам,
Ғамли бўлса далда, ишонч берсам мен.
Ҳар бирига чексиз қувонч берсам мен,
Уларнинг ҳар бири сир тўла олам.
Битта кўча, юзлаб дарвозалар,
Манзил сари секин ўтиб бораман.
Эзгу армон билан яшаб юраман,
Битта кўча, юзлаб дарвозалар.

ЁМҒИР ЁҚАНДА

Кўҳна осмон чексиз эди кенг ва ёруғ
Олис-олис бурчигача ранглар тўлуғ.
Ёғдулардан жило олиб хушбўй райҳон,
Кенг осмонга ўқир эди ажиб дoston.
Булут келди аста-аста, сурув-сурув,
Райҳон барги балдоқ тақди қатралардан.
Кўк юзида чақмоқ чақди бошлаб ғулув
Акси садо учди темир қоялардан.
Маржон каби оқар ёмғир новдалардан,
Шарқироқ сой зарралардан бўлмиш бужур,
Райҳон боши ҳам бўлганда ғавғолардан,
Булут аста тарқаб кетди айтиб узр.
Куйга тўлди еру осмон, қушлар учар,
Митти қушча барг устида шабнам ичар.
Яна осмон бепоёндир кенг ва ёруғ,
Олис-олис бурчигача ранглар тўлуғ.

ШОДЛИКЛАРИМ БЎЛ ОМОН

Шодликларим бўл омон
Борлиғимни тарк этма.
Кузги, сўнгги япроқдай,
Рангларингни йўқотма.
Умрим бўйи байроқдай,
Йўлга бошлагин хандон.
Сенсиз уйим ҳувиллаб,
Бўлиб қолмасин зиндон.
Сенсиз ором олмас қалб,
Сен борки ёруғ жаҳон.
Ёниб турган кўзларим
Боқмасин сира гирён.
Шодликларим бўл омон;
Дардли дилга чироқ бўл.
Ўзгага бахт бўлмасанг,
Ўзимдан ҳам йироқ бўл.

ТОНГ ОҶАРИБ КЕЛАРДИ

Тонг оқариб келарди,
Тарк этдим уйқу.
Уфққа боқди нигоҳим,
Қўзғалди туйғу.
Мен ўчирдим чирогим,
Ёғилди ёғду.
Чароғон айлаб
Тонг оқариб келарди.
Чизиларди янги ранг,
Еру кўкка соф.
Эшитилар шўх жаранг
Айлайман тавоф.
Чекинади тун аранг
Мисоли сароб.
Чароғон айлаб
Тонг оқариб келарди.
Бир қўлида чироғи,
Бир қўлида кун.
Ўтиб борар одамлар
Дадил қадамлаб.
Чироқ сўнса қуёши
Ёнади порлаб.
Тонг оқариб келарди.
Чироқлар шуъласига
Нур уларди тонг.
Оналар алласи-ла
Шўх куларди тонг.
Деҳқоннинг даласига
Тўкиларди тонг.
Кузатиб турдим,
Уйғоқ ҳисларимни,
Нур билан ювдим.
Тонг оқариб келарди,

КУЗНИНГ СЎНГГИ ЛАВҲАСИ

Куртак бўлиб бўртганда кутганларим бор эди,
Интиқ бўлиб, соғиниб ўтганларим бор эди.
Шаънига шеърү ғазал битганларим бор эди.
Бугун ранги заъфарон япроқларга қарайман
Бир-бирига қадрдон ўртоқларга қарайман.
Баҳор қўшиқларини куйлаганда бор эдим.
Бир-бирининг бўйидан бўйлаганда бор эдим.
Шамолларда қувнашиб ўйнаганда бор эдим.
Саҳарларда шудрингга кўмилганда япроқлар
Бўронларга бас келиб билмас эди чарчоқлар.
Табиатнинг ҳукмига қойил қолиб жимгина
Жудоликнинг дардидан ўйга толиб жимгина
Ҳазонлар гулханидан олов олиб жимгина
Ёнаётган паришон япроқларга қарайман
Бир-бирига меҳрибон ўртоқларга қарайман.

... Куртак бўлиб бўртганда кутганларим бор эди.

СЕН КЕЛАРДИНГ...

Сен келардинг,
Далаларнинг хушбўйини олиб келардинг,
Толеингни куйга солиб, ёлиб келардинг:
Мен бахтиёр, висолингга интизор эдим,
Мен интизор, ўз аҳдимга барқарор эдим.
Сен келардинг,
Ўз йўлингда собит ва хушрўй,
Изларингдан гиёҳ униб, чўзар эди бўй.
Гиёҳларни гулдастадай қабул этардим,
Ғунча каби тонг отишин интиқ кутардим.
Сен ўтасан,
Виқор билан нариги йўлдан,
Толеингнинг тизгинини чиқариб қўлдан.
Мон боқаман, қуриб қолган гулларингга жим,
Қуруқ гулга зор эмас ҳеч ким...

ТУН ОСМОНИ

Деразамни қоққан каби урилди шуъла,
Тун осмони кумуш рангга тўлибди бу чоқ.
Ўн беш кунлик ой оламга айтмоқда алла,
Ой нурларга чайилгандай барглар ярқироқ.
Тўлиб тошди туйғуларим, толеим баланд,
Бу серҳашам манзарага бор вужудим лол.
Нурлар учар юлдузлардан мағрур беписанд,
Гўё осмон Она ер-ла айлайди висол.
Сурилмоқда юлдузчалар, тўймайман боқиб,
Гўё денгиз узра кетар оқ гуллар оқиб.
Ойдаи қалқар юзларимга хушрўй табассум,
Шундай порлоқ ўтиб борса менинғ ҳам умрим.

ШАЛОЛА

Қайнашингдан юрагимга ўхшаб кетдинг шалола,
Бошинг тошга тегиб, кўзинг ёшлаб кетдинг шалола.

Қирғоқларни қойил қилдинг маъюс бўлмаи сен узок,
Елкангдаги хас-хашакни ташлаб кетдинг шалола.

Қайнаб тошдинг қирғоғингдан, ҳавасландим мен
дилдан,
Қисқагина бўлса ҳамки яшаб кетдинг шалола.

Илҳом берди гўзаллигинг-дадиллигинг, шўхлигинг
Ўзинг билан хаёлимни бошлаб кетдинг шалола.

БИР КУН БАХТГА АЙЛАНАМАН

Ҳамроҳларим нари-нари чекиндилар,
Сал олдинга ўтсам гўё «ўкиндилар».

Ёлғизгина кетмоқдаман бу соҳилда,
Улар эса қолиб кетди аро йўлда.

Мени роса қолгин дея қистадилар,
Баб-баравар юришимни истадилар.

Мен дедимки, умр ўзи қисқа бирам,
Майли тезроқ юринг бирга ташлаб қадам.

Вақт сира чиқиндига айланмасин,
Бекор ишга умр асло бойланмасин.

Ҳамроҳларим нари-нари чекиндилар,
Кўзларимга бегонадай тикилдилар.

Ёлғизгина кетмоқдаман осмон узоқ,
Жуда узоқ мен излаган ёруғ чироқ.

Ёмон экан ёлғизликнинг ваҳимаси,
Нимайдийкин ҳамроҳларим кек, таъмаси.

Кутаймикин, келармикин бирови ё,
Аммоки вақт борасида қилсам хато.

Ўз-ўзимни кечиролмай қийналаман,
Мен бари бир бир кун бахтга айланаман.

Ушал дўстлар бир кўрмоқни қилар орзу,
Бир хил бўлиб яшаёлмас инсон мангу.

ИМТИҲОН БЎЛДИ

Тузилган кўҳна оламнинг сири менга аён бўлди,
Босиб ўтган ҳаётим ҳар лаҳзаси имтиҳон бўлди.

Дилим мил-мил чекилди дили нопок найзасидан гоҳ,
Дўстлар меҳри ишқидан ҳаётим шодумон бўлди.

Саҳардан шом қадар кўрдим ажаб турфа қиёфатлар,
Бири олам қадар кенгдир, бири тор, сергумон бўлди.

Бири иқбол ривож берди, бири ғамлар ниҳоятсиз,
Бири оддий, бири серзавқ, бириси устумон бўлди.

Ҳаёт бир катта дарсхона, ўқирман ҳар соат ҳар кун,
Муаммосин ечиб бордим жуда мушкул довон бўлди.

Маломат қилмангиз ҳаргиз: Бу кимдир катта сўзлар
деб
Кими қалбида нур бўлса бу олам нурга кон бўлди.

Бобо юртим, ҳаётим ва яна қанча фазилатлар
Боболардан, момолардан менга ганжи равон бўлди.

Тузилган кўҳна оламнинг сири шунда экан билсам,
Бу мерос қадрига етмоқ ҳаётда имтиҳон бўлди.

Ҳалима билдики бахтга етишмоқнинг йўли битта,
Бу йўл—меҳнат йўли, юрсанг ҳаёт жаннатмакон бўлди.

ОРКЕСТР ЯНГРАЙДИ

Ирмоқ товушидай оҳиста,
Куйлар сийпалайди ҳавони.
Куйлар юракларга йўл истар,
Чексиздир йўлларнинг давоми.
Дарёдай тошмоққа шошилиб,
Улкан трубалар тўлқиндай гувлайди.
Тўлқинлар тўлқинга қўшилиб,
Денгиз қўшиғини куйлайди.
Оққушдай ўйнайди торларнинг овози,
Куйлар ҳалқа-ҳалқа айланар гирдобга.
Қайсидир ошиқ эҳтироси,
Айланиб кетади изтиробга.
Най булбул зорини эслатди,
Дирижёр қўлини силтади, бас.
Булбул гул қалбини уйғотди,
Нолалар керакмас.

Мен бари бир севаман ўз дунёмни сенсиз ҳам
 Мен бари бир севаман юрган йўллар чангини.
 Менга бари бир ўша, ўша туюлар олам,
 Мен бари бир севаман гўзалликлар рангини.

Йўқ, тортиб ололмайсан, йўқ тортиб ололмайсан,
 Менинг танимда азиз онам берган ҳаёт бор.
 Сен қора кўланкадай қуёшни тўсолмайсан,
 Орзуларим учағон, орзуимда сабот бор.

Кет нарига мудҳиш ўй! Нафратим сенга бутун,
 Сен қалбимни эзмағил тегирмон тоши мисол.
 Сенсиз ҳам кўтарурман тушган ҳаётнинг юкин,
 Сенсиз ҳам насиб этгай менга шодлик ва иқбол.

Таъналаринг бемаъни, вазмин ўйлар кўлкаси,
 Кўлмакда гўзал олам жамолини кўрсатма.
 Кимда тоза ҳис бўлса бу ҳаётнинг тухфаси,
 Ўзимни кўр-кўрона жарликларга ҳеч отмам.

Қўй, тўсма юлдузларнинг жамолига тўйяй мен,
 Саҳарги сарин еллар дардли дилга хуш ёқар
 Уфқларни ранго-ранг туйгуларга бўйяй мен,
 Киприкларим учидан ўйчан ёғдулар оқар.

Раҳна солурсан баъзан ҳаққоний сўзларимга,
 Рўйи-рост фикрлардан қидирасан бир нуқсон.
 Ўз қалбимни, фикримни берсайдим қизларимга,
 Надоматлар комида қолмас эдим ҳеч қачон.

ҲАЯЖОН

Мен билдимки, ҳаяжонсиз ўтган кунларим,
Тун сингари оғир, тимқора.
Қаердасан ҳаяжонларим,
Деразамни қоқсайдинг зора.
Кечки шафақ сингари сўник,
Кипригимдан нур сизар рангсиз.
Булоқ суви сингари тиниқ,
Ҳаяжонлар келингиз сўнгсиз.
Гуруллайти момақалди роқ,
Ҳаяжонга тушар осмон.
Қўшиқларим туғилинғ янгроқ,
Ҳаяжонли чақмоқларсимон.
Шодлиги йўқ, ғами йўқ онлар,
Лоқайдликка судрайди ҳар зум.
Совиб борар сезгисиз танлар,
Ҳаракатсиз ўлимга маҳкум.
Яшил рангга бурканди боғлар,
Япроқларда севинч ва ханда.
Ҳаракатдан улғаяр тоғлар,
Борлиқ яшнаб зўр ҳаяжонда —
Мен ҳам ёниш истайман, ёниш,
Томиримда қон кўпирсин шод.
Ҳар лаҳзада ўсиш, уйғониш,
Ҳаяжонлар, ғафлатдан уйғот.

ЮЛДУЗЛАР ПОРЛОҚ

Асл гўзалликни гуллардан кўрдим,
Ҳаёт узунлигин йўлларда кўрдим.
Маъно теранлиги булоққа монанд,
Кўнгил нозиклиги томчига пайванд.
Тонглар сулувлиги бахтиёрликдан,
Умр машаққати беқарорликдан
Қуриган қудуқдай бенаф, қоронғу,
Тилаксиз бўлмагин, дилим, ҳеч қачон,
Бировга шодликни кўрмайди раво,
Ўзи ҳам маънисиз яшар бедаво.
Дерларки, яхшилик қилмаган одам
Кўролмайди биров яхшилигин ҳам.
Тилаксиз бўлмагин, дилим, ҳеч қачон,
Юлдузларни мангу сақлар-ку, осмон.
Булутлар ўтади, юлдузлар порлоқ,
Тилакли юракда қола олмас доғ.

ХИРА ЮЛДУЗ

Милтиллайди хира юлдуз,
Деразамдан мўралаб.
Гоҳо мағрур, гоҳо маъюс,
Боқиб турар нур тараб.
Йирик-йирик юлдузларнинг
Ёрқин гавҳар донаси,
Эслатади кундузларни,
Этак-этак шуъласи.
Хира юлдуз фақат ўзин
Борлигини билдирар.
Шубҳа билан қишин-ёзин
Бир маромда милтирар.
Булутларнинг пардасида
Йўқолади гоҳида.
Булутларнинг орқасида
Ғам чекади беҳуда.
Ўчирилмас юлдуз кўзин,
Булутларнинг галаси.
Санар уни битта бўғин,
Юлдузлар силсиласи.
Юлдузларнинг орасида
Кўринмаса гоҳи дам,
Туннинг қора соясида
Ўлтираман чекиб ғам.

ТОВУШИМ

Овоз бердим, қайтди ақс-садо
Товушим чақнади тошларда.
Юрагимдан отилган нидо,
Хаяжон қўзғади тошларда.
Тошдан-тошга ўтди товушим,
Тўсинларни оралаб ўтди.
Қафасидан қутулган қушим,
Ҳаволарга кўксини тутди.
Янграб турди кўкда бир лаҳза,
Тошларда ҳис туғдирди бир зум.
Солди соқов тошларга ларза,
Ногаҳоний учган товушим.
Шундай баланд янгради садо,
Етиб борди юлдузларгача.
Юрагимдан отилган нидо,
Туғён солди илдизларгача.
Қолмади ҳеч товуш етмаган,
Хилватгоҳлар, олис бурчаклар,
Ҳали ўзим кезиб ўтмаган,
Узун йўллар, мовий юксаклар.
Тилга кирди ҳаммаси бир он,
Тилга кирди қотган сукунат.
Бари бирдек урдилар хандон,
Жилва қилди тиниқ латофат.
О, юракда яшринган туйғу,
Яшамоққа яралган зўр куч.
Ерда ҳаёт гулларкан мангу,
Лочинлардай юксакларга уч.

НУР ҚИДИРСАНГ

Унутайлик йўллар чангини
Вужуд ҳорғинлигини унутайлик.
Ғам сийқалар киши онгини,
Шодлик келишини кутайлик.
Довулларда қолиб, селларда қолиб,
Масофани қисқартган одам.
Оғир-оғир хаёлга толиб,
Паришон бўлмасин бирор дам.
Табиат одамни камсиз яратган,
Бурч берган, куч берган ташвишга қўшиб.
Сабр-тоқат этагин тутган
Тоғлардан ҳам кетади ошиб.
Баъзида улкан тоғ келмас кўмакка,
Сирғансанг тутди битта тош.
Мардона бўл, бўлсанг ҳам якка,
Тоғ ортида турибди қуёш.
Тонгги туман тарқалгунча то,
Қуёш ҳусни кўринмас яққол.
Нур қидирсанг, қуёшни ҳатто
Туман ичида ҳам кўра ол.

БИР ТҮЛҚИН

Қайнаб-тошиб, шошилиб,
Сузиб борар бир тўлқин.
Ортидан ўз қўшинин
Тизиб борар бир тўлқин.
Мен тўлқинга боқаман,
Ҳайрат билан қирғоқда.
Гўё бирга оқаман,
Зарра бўлиб шу чоқда.
Қанча яшар бу тўлқин.
Менинг умрим нечадир.
Оқиб борамиз қалқиб,
Сирни вақт ечадир.
Ҳув узоқда кўриниб,
Кутиб ётар қоя-тош.
Оқмоқдамиз уриниб,
Баҳр узра қўйиб бош.

Қуш тақдирин табиат гул баргига битибдир,
Булбул эса хабарсиз ишқ богига ўтибдир.

Тўкибди дарди арзин гул қошида бечора,
Ҳусн аҳли нени билсин, ўзини хор этибдир.

Булбул сиридан огоҳ бўлганида бутун боғ,
Гулғунча япроқ ила юзини беркитибдир.

Эй ғунча, қайдин олдинг, сен бунчалар фирибни,
Энди ошиқ аҳлининг бари билиб кетибдир.

Сен ҳақингда Ҳалима битмак бўларди дoston,
Қуш қисмати унинг ҳам қулоғига етибдир.

f

Раҳмат ернинг иродасига,
Чидамига, меҳрига раҳмат.
Қуёш ҳам ўз парвонасига,
Кўрсатади мангу садоқат.
Ер қатига сингийди нурлар,
Тупроқ асли нурдан иборат.
Нур ҳамиша ерга югурар,
Саховатли нурларга раҳмат.
Нур тегмаган бир кафт тупроқда,
Асло йўқдир ҳаётдан нишон.
Нур ўйнаган битта япроқда,
Кўринади олам навқирон.
Раҳмат ернинг меҳрига дилдан,
Раҳмат қуёш нурларига ҳам.
Ер билан нур ҳеч тинмас экан,
Яшамоққа ташнадир одам.

СЕВГИ ҲАҚИДА

Сен ўзинг сувга ҳам ўтга солгувчи,
Аввалу охири содиқ қолгувчи.
Сенинг атрофингда мен бир сайёра,
Қалбингга шиддат-ла тўлқин солгувчи.

Сен ўзинг ўртада қуёш сингари,
Мен-чи кетолмайман сендан ҳеч нари,
Тафтингдан қалбимга олов оламан,
Гуркираб юз очар меҳр гуллари.

Сендек менга содиқ бир оввора йўқ,
Мендек сенга бирон жигарпора йўқ.
Иккимиз бир дилмиз ишончим шудир,
Муҳаббатда шундан ўзга чора йўқ,

Иккимиз бир йўлда дуч келиб, яна, —
Бир йўлда ишончлар қилди тантана.
Чеккага чиққанлар не деса деди,
Майда ғийбатлардан юксакмиз, мана.

Севгида севмоқнинг бўлмас ўзи бас,
Дур изласанг гоҳо учрар хору-хас.
Севги бу меҳнатга кўнгил боғламоқ,
Фақат ноз-фироқдан иборат эмас.

Минг қуллуқ ҳаётга чин кўз-ла боқди,
Гоҳида куйдириб, ўтларда ёқди.
Ўйлама ўзгага лоқайд бу дея,
Ҳалима барининг магзини чақди.

Сен ўзинг сувга ҳам ўтга солгувчи,
Аввалу охири содиқ қолгувчи.
Сенинг атрофингда мен ҳам сайёра,
Қалбингга шиддат-ла тўлқин солгувчи.

ҚАНЧА ЁНИБ КУЙЛАСАМ

Менинг умрим худди дарё,
Томчилари куйларим.
Ташналарга кўрдим раво,
Куйиб ёниб сўйладим.
Қанча ёниб куйласам мен
Қанча жўшиб сўйласам.
Дарё тўлса тўлару лек
Сарфларимга бўлмас кам.

ҚИРҒОҚДА

Тоғлар сийнасини ёмғир-сел ювиб,
Пойига етгунча улкан дарё у.
Оқади тўлқинлар тўлқинни қувиб,
Азим тоғ гумбурлаб солади ғулув.
Гугурт қутисича келмасдан баста,
Мавжлар елкасида ўйнайди қайиқ.
Мен ўша мавжларни севганман асти,
У менинг севгимга, меҳримга лойиқ.
Кўзимдан узоқда, тоғ этагида,
Жилғалар йиғилиб, жамланар ҳар он.
Қайиқчи дарёнинг беланчагида
Тўлқинга ҳукмрон, ҳукмрон.

Булутларни суриб кетди сабуҳий шамол,
 Кўк, ям-яшил кенглик каби бўлди намоён,
 Оташ туйғу шуъласига тўлмоқда ҳаёт,
 Юрагим ҳам ёришмоқда мисоли осмон.
 Кел, келақол эй, тоғларга яшринган оҳу,
 Оҳу ўйлар, сезгирларни уйғот бу нафас.
 Туйғуларим тиниқлашар мисоли кўзгу.
 Бағри тоза самоларни қилар у ҳавас.
 Ҳаёт чорлар олис-олис уфқлар сари,
 Тўлқин тушган туйғуларга ишқим куч мадор.
 Аста-аста босиб ўтиб умрим йўлларин,
 Орзуларга ета-ета бўлгум бахтиёр.
 Куртакларни уйғотгучи шамоллардан шод,
 Тилагимга ҳаёт шавқи ёрдир бу нафас.
 Илҳом эмас, кўнгилларни излайман ҳайҳот,
 Шундан ўзга яшамоқлик умр ҳам эмас.

ИҚБОЛ

Томчини севаман, томчини,
 У дарё, у наҳр бир улкан.
 Томчини севаман, томчини,
 У буғдой, у лола — кўкарган.
 Бағримга босаман гулларни,
 Денгизни қучади ҳаёлим.
 Севиб ва эркалаб шуларни,
 Тўлишиб боради иқболим.

Ким ёлгон ортидан кетди, яхшилардан жудо бўлди,
 Бировга ғам нисор этди, ўзи ғамдан адо бўлди.
 Қаро тун бостириб келди, қаро қилмоқ учун кулбам,
 Менга тонглар отар эрди, қароликлар хато бўлди.
 Гаҳи-гаҳ пойлади илким узиб олмоқ учун итлар
 Чекиб бир неча афсуслар, дилим қанча яро бўлди.
 Биров билмас менинг кўнглимда ҳам қанча

надомат бор,

Бу ғамлар ўрнида янги шуурлар ихтиро бўлди.
 Шу лаҳза бахтиёрликдан менинг сатримга

кулманг ҳеч,

Нима бўлса бўлиб ўтди, бари шу йўл аро бўлди.
 Тиларман еру осмондан, тиларман яхши инсондан,
 Ҳамиша яхшиликларга дили жоним фидо бўлди.

Бахт ҳам умр каби бир марта келар,
Бир марта юракка бўлар ошно.
Ғунча ҳам бир марта очилар, сўлар,
Илк бора мен сенга бўлганман шайдо.

Шундан буён менга танҳо эурсан,
Бахтим ўзим билан яшар азалдан.
Қалбимни энг аввал ёритган нурсан,
Мени аъло дерсан барча гўзалдан.

Ичдан ғурурланиб яшайман! ҳар кун,
Ҳаётим гуллари яшнаб ўсмоқда,
Бахтимнинг умрзоқ, бўлмоғи учун,
Мурод шамоллари эсмоқда.

Бир марта кафтимга қўнган кабутар,
Бошимда чарх урар шому-саҳарлар.
Умримни тобора фаровон этар,
Келиб кетаётган ранггин баҳорлар.

Бир марта очилгай ғунчалар гул-гул,
Қайта нур сочмагай ўчган юлдузлар.
Боғларда саҳарлар куйласа булбул,
Қувончдан ярқираб порлайди кўзлар.

Яхши ҳам юракка ошно айладим,
Ўтар саробларга боғламадим кўз.
Ишондим, худди шу бахт деб ўйладим,
Бепарво эзғилаб ўтмадим ҳаргиз,

Сен ва мен турибмиз бу йўлда танҳо,
Орамизда йўқдир бегона сийрат.
Оёғимиз ости жарлик эмас ё,
Бизни таъқиб этмас қўрқув ва даҳшат.

Авайлаб йўл босдим мана кенг дунё,
Ям-яшил ўтлоқлар ҳаёт уфурар,
Товланиб оқмоқда долғали дарё,
Шамол булутларни кўкдан супурар.

Шодликдан энтикиб ташлайман қадам,
Унутдим дунёда борлигин ғусса.
Шундаймикин ёки бахтиёр одам,
Шундай бўлармикин ё кўнгил ўсса.

Бахт ҳам умр каби бир марта келар,
Бир марта юракка бўлар ошно.
Ғунча ҳам бир марта очилар, сўлар,
Илк бора мен сенга бўлганман шайдо.

Беш йил, ўн йил ўтди исмимиз ўша,
Аммо юзимиз ҳам, кўзларимиз ҳам
андак ўзгарди.

Баҳорда унган майса бир оз
сарғарди..

Беш йил, ўн йил ўтди, бу жуда катта,
катта масофа.

Ахир бир онлик-ку бахтсиз бўлмоқ ҳам,
Ахир бир онлик-ку ғамга тўлмоқ ҳам.

Ана шу бир ондан ғолиб
келдик биз,

Шу кунга курашиб толиб келдик
биз.

Юракка беҳуда доғ тушмади,
доғ!

Кўксимизда урар кулиб, соппа-соғ.

Беш йил, ўн йил ўтди ям-яшил майса,
Тоза ирмоқлардан сув ичди,
ўсди.

Балчиқда унгани бир онда
тўзди...

Яна йўллар узун, эртанги кунда,
Қатлам-қатлам бўлиб ётган лаҳзалар,
нени яширар.

Аммо қўрқмайман,
Чунки ишонаман сенинг қалбингга.

МУНДАРИЖА

ЗАРРАДАЙ ҚАЛБИМНИ НЕЧУН АСРАЙМАН	3
МИННАТДОРЛИК ТУЙҒУСИ	4
ҚАЛДИРҒОЧ	6
ОТХОНАДА ПИШҚИРАР ТУЛПОР	7
ОҚШОМДАГИ ҲЎЛАР	8
УРИНАМАН	9
СОЯДАГИ НИҲОЛ	10
ҲАҚАТ ИНСОН БЎЛСАК БАС	12
СЕН САБРИМНИНГ КОСАСИДА ШАРОБ ТУТДИНГ ИЧАРМАН	13
СУБҲИДАМ	14
ОДАМ НИГОҲИ	15
БИР ТАНИШГА ДЕГАНИМ	16
ЙЎЛЛАРДА	18
КУТАМАН	19
КОММУНИСТНИНГ ЮРАГИ	20
БИР ЛАҲЗА УНУТСАМ	23
УЧАЁТГАН ҚУШЛАР	25
ТУШУНАРМИШ ҚУШ ТИЛИНИ ҚУШ	26
ТИТРОҚ ТУШДИ ДИЛИМГА	27
УМРИМ ҚАРВОНИ	28
ЧИНОР ВА НИҲОЛ	29
ЯНГИ ЙИЛ ҚОШИДАГИ ҲЎЛАР	30
ҚУРИЁТГАН ЧИНОР	32
ПАРВОЗ	34
ТЎРТЛИК	35
ҲАЁЛИМ	36
ДАРВОЗАЛАР	37
ЁМҒИР ЁҚҚАНДА	38
ШОДЛИКЛАРИМ БЎЛ ОМОН	39
ТОНГ ОҚАРИБ КЕЛАРДИ	40
КУЗНИНГ СЎНҒИ ЛАВҲАСИ	41
СЕН КЕЛАРДИНГ	42
ТУН ОСМОНИ	43
ШАЛОЛА : :	44
БИР КУН БАХТГА АЙЛАНАМАН	44
ИМТИҲОН БЎЛДИ :	45
ОРКЕСТР ЯНГРАЙДИ	46
МЕН БАРИ БИР СЕВАМАН	47
ҲАЯЖОН	48
ЮЛДУЗЛАР ПОРЛОҚ	49
ХИРА ЮЛДУЗ	50

ТОВУШИМ	51
НУР ҚИДИРСАНГ : : : : :	52
БИР ТЎЛҚИН : . . : : . . : : :	53
ҚУШ ТАҚДИРИН ТАБИАТ ГҲЛ БАРГИГА БИТИБДИР	54
РАҲМАТ ЕРНИНГ ИРОДАСИГА	54
СЕВГИ ҲАҚИДА : : : :	55
ҚАНЧА ЁНИБ КУЙЛАСАМ	56
ҚИРҒОҚДА : . . : : : : :	56
БУЛУТЛАРНИ СУРИБ КЕТДИ САБУҲИЙ ШАМОЛ	57
ИҚБОЛ	57
ЭРК БЕРИНГ ИСТАКЛАРГА	58
КИМ ЁЛГОН ОРТИДАН КЕТДИ	59
БАХТ . . : : : : : : :	60
БЕШ ЙИЛ, УН ЙИЛ УТДИ, ИСМИМИЗ УША	62



На узбекском языке

ХАЛИМА КАРАБАЕВА

ПЕРЕЛЕТНЫЕ ПТИЦЫ

Стихи

Издательство «Еш гвардия» — Ташкент — 1981

Редактор *Ҳ. Ҳудойбердиева*
 Рассом *У. Набиев*
 Расмлар редактори *А. Ғуломов*
 Техн. редактор *Г. Аҳмаджонова*
 Корректор *С. Сайдалимов*

ИБ № 826

Теринга берилди 5. 12. 1980 й. Боснига рухсат этилди 28. 01. 1981 й. Формати 70×90¹/₃₂. № 1 босма қоғозга «Журнальное рубленное» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 2,0. Шартли босма листи 2,34. Нашр. листи 1,991. Тиражи 10,000. Баҳоси 25 т. Буюртма 36. Р—15354.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 102—80.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-босмахонаси. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44.